

ISLAMONLINE.UZ

Фoиcсиз ҳаёт



АҚШ да ҳалол кредит дастури  
ишлаб чиқилмоқда



Уй сотиб олиш рибо ёки банк имтиёзларига карши ислом конунларига риоя килишни хохлайдиган кўплаб мусулмонлар учун муаммо бўлиши мумкин.

Шу сабабли, Вермонт Кредит Уюшмаси (АҚШ) штатнинг шариатга мувофиқ биринчи кредит дастурини ишлаб чиқиш оркали мусулмон жамияти аъзоларига уй сотиб олишда ёрдам бермоқда.

Ушбу максадга эришиш учун Opportunities Credit Union катта кредит менежери Тимоти Карпентер Жанубий Бурлингтондаги Вермонт Ислом жамияти имоми Ислом Хасан билан янги VTDigger моделини ишлаб чиқиш устида ишламокда.

Имом Хасаннинг айтишича, Вермонтдаги кўплаб оилалар аллақачон уй сотиб олишни хохлашади, лекин буни Исломга тўғри келмайдиган молиялаштириш оркали олишни истамайдилар. "Агар бу бизда бўлганида эди, - деди Хасан, - кўп одамлар бундан фойдаланган бўларди".

«Асосий тушунча шундаки, пул товар бўлмайди, - деди Хасан. - Бу уй бўлади. Исломий молия сўнгги ўн йилликларда бутун дунёда сезиларли даражада ўсиб, энг тез ривожланаётган молиявий сохалардан бирига айланди. Бугунги кунда унинг глобал активлари 2 триллион доллардан ошади ва 2023 йилга келиб 3,8 триллион долларга етиши кутилмокда».